



## КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СОҶАСИДА ЯШИЛ ИШ ҶРИНЛАРИНИ АНИҚЛАШ ВА ҶИСОБИНИ ЮРИТИШНИНГ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Ғойипназаров Санжар Баходирович**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети доценти, PhD. Тошкент,  
Ўзбекистон. [s.goyipnazarov9@tsue.uz](mailto:s.goyipnazarov9@tsue.uz)

**Астанакулов Олим Таштемирович**

Ўзбекистон Халқаро Ислоҳ Академияси доценти, и.ф.д. (DSc). Тошкент,  
Ўзбекистон. [astanakulov@gmail.com](mailto:astanakulov@gmail.com)

Article DOI: [10.55439/EIT/vol10\\_iss2/a8](https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss2/a8)

### Аннотация

Мазкур тадқиқотда бир қатор онлайн маълумотлар базаларидаги илмий манбаларда ўз аксини топган “яшил иш ҷринлари”ни аниқлаш ҳамда уларнинг ҷисобини юритишнинг услубий асосларини такомиллаштириш масалаларига таалуқли эмпирик ва концептуал тадқиқотлар ўрганилди ва улардаги илмий ёндошувлар тизимлаштирилди. Ўрганилган назарий ва амалий ёндошувлар асосида “яшил иш ҷринлари” аниқлаш ҳамда уларнинг ҷисобини юритиш бўйича услубий асос ишлаб чиқилди.

Шунингдек, тадқиқот натижасида “яшил иш ҷринлари” муносиб меҳнат тамойилларига монанд атроф-муҳитни сақлашга кўмаклашадиган, муносиб иш ҳақи, хавфсиз меҳнат шароити, ҳамда ижтимоий-ҳуқуқий ҷимояланганлик мезонларини ўзида мужассам қилиши асосланди.

**Калит сўзлар:** кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, яшил иқтисодиёт, яшил иш ҷринлари, яшил касблар, муносиб меҳнат, яшил иш ҷринларини ҷисоблаш методикаси.

### Abstract

This study examines empirical and conceptual research on the identification of “green jobs” and the improvement of the methodological framework for their statistical accounting reflected in scientific sources in a number of online databases and systematizes their scientific approaches. On the basis of the studied theoretical and practical approaches, a methodological framework for identifying and accounting for “green jobs” has been developed.

The study also found that “green jobs” include criteria for decent wages, safe working conditions, and social and legal protection, which help to protect the environment in accordance with the principles of decent work.

**Keywords:** small business and private entrepreneurship, green economy, green jobs, green professions, decent work, green jobs calculation methodology.

### Кириш

Расмий статистик маълумотларга кўра, Ўзбекистонда 2021 йил ҳолатига, 334767 та кичик бизнес субъектлари давлат рўйхатидан ўтган. Бу субъектлар мамлакат ялпи ички маҳсулотининг (ЯИМ) 53.9 фоизини, экспортдаги улуши эса 20.5 фоизни,

иқтисодиётда банд бўлганларнинг умумий сонидаги улуши 73.5 фоиздан ортиғини ташкил этади [12]. Бу статистик маълумотлардан кўринадики, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатда иш билан бандлик, аҳолининг турмуш фаровонлиги ва иқтисодий ўсишни таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Аммо, бу турдаги хўжалик юритувчи субъектларнинг аксарият қисми фаолиятининг илк босқичлардаёқ шиддатли рақобат муҳитига дош беролмай ташқи муҳит таъсирида мувафақиятсизликка дуч келмоқда [1].

Бундай ҳолатга асосий сабаб ҳозирги пайтда кўпгина кичик корхоналарда эскириб кетган техника ва бугунги кун талабларига жавоб бермайдиган технологиялардан фойдаланилаётгани ходимларга меҳнат жараёнида жароҳатланиш хавфини кучайиши ҳамда атроф муҳитга зарарли чиқитларни чиқарилишига сабаб бўлмоқда. Кичик бизнес субъектларида техника хавфсизлигининг аҳволи ҳам талаб даражасида эмас. Ходимлар кўп ҳолларда махсус кийим-бош, пойабзал, ишлаб чиқаришнинг хавfli омилларидан ҳимоя воситалари билан таъминланмайдилар. Шунинг учун кичик корхоналарда ишлаб чиқаришдаги шикастланиш ҳолатлари давлат корхоналаридагига нисбатан икки барабор кўплигига ажабланмаса ҳам бўлади[2].

Соҳада тўлиқ ва самарали иш билан бандлик, ходимлар учун соғлом шароитлар яратилиши, улар меҳнатига муносиб ҳақ тўлаш муносиб меҳнат асоси ҳисобланади. Кейинги йилларда иш жойларида экологик меъёрларга риоя этишнинг аҳамияти, шу жумладан, “яшил иш ўринлари”ни яратиш, бундай шарт-шароитларни таъминлашда иш берувчиларнинг ижтимоий масъуллигини ошириш йўналишларидаги ишларга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда [3]. Жумладан, Ўзбекистон ҳукумати қарори билан 2019–2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “яшил иқтисодиёт”га ўтиш стратегияси тасдиқланди. Ушбу стратегияни амалга оширишнинг асосий вазифаларидан бири иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда корхоналарда хавфсиз ва муносиб иш ўринларни яратишни рағбатлантиришдан иборат.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда кичик бизнес корхоналарининг яшил иқтисодиёт тамойилларига ўтиши учун қўллаб-қувватлаш катта миқдордаги “яшил” ва хавфсиз иш ўринлари яратилишига олиб келиши мумкин. Бу эса, ҳукуматнинг ва халқаро ташкилотларнинг (жумладан, ХМТ) “яшил иш ўринлари”ни аниқлаш ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан баҳолаш ҳамда уларнинг ҳисобини юритишнинг мақбул методологиясини ишлаб чиқишдан манфаатдорлигини оширади. Чунки, “яшил иш ўринлари” тўғрисидаги статистика мамлакатнинг яшил иқтисодиётга ўтиш стратегиясини амалга ошириш ва уни назорат қилиш воситаларидан бири бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, “яшил фаолият” ёки “яшил иш ўринлари” тўғрисидаги статистикага бўлган талаб мамлакатлар иқтисодиётида атроф-муҳитни ҳимоя қилиш жараёнларини кузатиб бориш зарурати билан ҳам боғлиқдир.

#### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Жаҳон амалиётида “яшил иш ўринлари”ни аниқлаш ва баҳолашнинг учта услуби ажратилади. Биринчиси жараёнга асосланган услуб, иккинчиси ишлаб чиқариш натижасига асосланган услуб ва ниҳоят учинчиси атроф-муҳитни сақлашга қаратилган услуб. Жараёнга асосланган услуб корхоналардаги энергия тежамкор ва хавфсиз иш

Ўринларини ташкил этилганлик ҳолатини баҳолайди. Ишлаб чиқариш натижасига асосланган услуб корхоналарнинг атроф муҳитга зарар келтирмайдиган маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқариш мақсади мавжудлигини асослайди. Атроф-муҳитни сақлашга қаратилган услуб эса, атроф-муҳит сифатини яхшилашга йўналтирилган тармоқ ва соҳаларни аниқлашни мақсад қилади[4].

Хорижлик иқтисодчи олимлар Жарвис, Андрю, Варма ва Рамлар томонидан олиб борилган тадқиқотда “яшил иш ўринлари”ни аниқлашда икки хил ёндошувдан фойдаланилаган. Биринчиси саноат ёндошуви бўлиб, унда яшил маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқарувчи корхоналарда банд бўлган ходимлар сонини аниқлайди. Иккинчиси касбий ёндошувда эса, корхоналарда яшил иқтисодиётга хисса қўшадиган касбларда фаолият юритаётган ходимлар сонини аниқлашда қўлланилади. Саноат ёндошувида “яшил иш ўринлари”ни ишлаб чиқариш натижаларига нисбатан баҳоласа, касбий ёндошувда ишлаб чиқариш ресурслари нуқтаи назардан баҳолайди[5].

АҚШнинг Меҳнат статистикаси бюроси (МСБ) “яшил иш ўринлари” тўғрисидаги маълумотларни йиғиш бўйича услубиётни ишлаб чиқди. Ушбу услубиётнинг асосий мақсади яшил иш ўринларининг сони ва уларнинг ўзгариши ҳамда бу иш ўринларининг соҳа ва саноат йўналишлари бўйича тақсимланиши шунингдек, улардаги иш ҳақи даражалари тўғрисидаги маълумотларни таҳлил этишдан иборат [6].

Калифорния Бандликни ривожлантириш департаменти (БРД) қошидаги Меҳнат бозори ахбороти (МБА) бўлинмаси томонидан мамлакатдаги яшил иқтисодиёт ҳолатини баҳолаш бўйича тадқиқот дастури ишлаб чиқилган. Ушбу тадқиқотнинг мақсади учта йўналишда амалга оширилиб, биринчи йўналиш яшил иш ўринларида банд бўлганлар сонини аниқлайди. Иккинчи йўналиш яшил иқтисодиёт тамойилларини жорий қилаётган корхоналар сони ва уларга яшил ҳаракатларни амалга оширишга қандай сабаблар таъсир этганлигини ўрганади. Ва ниҳоят, учинчи йўналиш истиқболли тадқиқотларни жадаллаштириш учун юзага келаётган янги касблар ва улар учун зарур бўладиган кўникмаларни аниқлашдан иборатдир[7].

2009 йилда АҚШнинг Мичиган штати Энергетика, меҳнат ва иқтисодий тараққиёт департаментининг бир гуруҳ олимлари томонидан “яшил иш ўринлари”ни ўрганиш бўйича тадқиқот амалга оширилаган. Бу Мичигандаги социологик сўровнома асосида корхоналарда “яшил иш ўринлари” сонини аниқлашга қаратилган биринчи тадқиқот иши ҳисобланади. Тадқиқотчилар жамоаси “яшил тармоқ”даги иш ўринлари ва улардаги ўзгаришлар, “яшил касблар” бўйича тўланадиган иш ҳақи даражаси ҳамда “яшил касблар” учун зарур бўлган малака ва кўникмаларни баҳолашга эришган. Ушбу тадқиқотда олимлар жамоаси яшил иш билан бандликни 2038 йилга қадар прогноз қилишга ҳам уриниб кўришган. 2038 йилга бориб, Мичиган шататида яшил иш ўринлари сони тахминан 10 млнга яқинлашиши прогноз қилинган[8].

Маҳаллий олимлардан академик Қ.Абдурахманов ва унинг илмий мактаби вакиллари томонидан “яшил иш ўринлари”ни ташкил этишда муносиб меҳнат тамойилларини инobatга олиш борасидаги қарашлари ҳам эътиборга молик.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, “яшил иш ўринлари” сонини аниқлаш ва уларни баҳолашга қаратилган илмий-тадқиқот ва услубий манбаларга кириш

имкониятлари чекланганлиги ёки бу тўғрисидаги маълумотлар очиқ манбаларда чоп этилмаслиги тадқиқот мавзусига доир манбааларни таҳлил этишни бир мунча мураккаблаштиради. Айниқса, аксарият ҳолларда “яшил иш ўринлари” сонини аниқлаш ва уларни баҳолаш эмпирик тадқиқотлар орқали амалга оширилади аммо, ушбу йўналишда эмпирик тадқиқотлар ҳам етарли амалга оширилмагани масалани янада қийинлаштиради. Шунинг учун, “яшил иш ўринлари”ни аниқлаш ва уларни баҳолаш ҳамда ҳисобини юритиш муаммосига таалуқли илмий-тадқиқот ишларини рағбатлантириш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Биз олиб бораётган тадқиқот Ўзбекистонда “яшил иш ўринлари”ни аниқлаш ва уларнинг статистикасини юритишнинг услубий асосини такомиллаштиришни мақсад қилади.

#### **Тадқиқот методологияси**

Мазкур тадқиқотда бир қатор онлайн маълумотлар базаларидаги илмий манбаларда ўз аксини топган “яшил иш ўринлари” аниқлаш ҳамда уларнинг ҳисобини юритишнинг услубий асосларини такомиллаштириш масалаларига таалуқли эмпирик ва концептуал тадқиқотлар ўрганилди ва улардаги илмий ёндошувлар тизимлаштирилди. Шунингдек, тадқиқот ишида тизимли таҳлил, тарихийлик ва мантиқийлик, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, қиёсий таҳлил, монографик таҳлил ва гуруҳлаш усуллари қўлланилди.

#### **Таҳлил ва муҳокама**

“Яшил иш ўринлари” бўйича ташаббус Бирлашган миллатлар ташкилоти (ХМТ)нинг атроф-муҳитга оид дастури (АМД), Халқаро меҳнат ташкилот (ХМТ) ҳамда Халқаро касаба уюшмалари конфедерацияси (ХКУК)нинг қўшма ташаббуси ҳисобланади. Ушбу ташаббус ҳукуматлар, иш берувчилар ва касаба уюшмаларининг муносиб ва хавфсиз ҳамда атроф- муҳитга зарарсиз бўлган иш ўринларини яратишни рағбатлантиришни мақсад қилади.

Ҳозирги жамиятда “яшил иш ўрни” деганда моддий ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланиш, корхона ходимларининг меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи юксак технологияли асбоб-ускуналар, ресурсни тежовчи ва экологик тоза технологиялар кўз олдига келади.

“Яшил иш ўрни” атамаси “яшил иқтисодиёт” тушунчасидан келиб чиққан. БМТнинг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш дастури, Халқаро меҳнат ташкилоти, Халқаро иш берувчилар ташкилоти ва Халқаро касаба уюшмалари конфедерацияси “яшил иш ўринлари” қуйидаги мезонларга мос келиши лозим, деб ҳисоблайди: муносиб иш ҳақи; хавфсиз меҳнат шароитлари; мансабда ўсиш имконияти мавжудлиги; ходим ҳуқуқларининг ҳимояланганлиги; атроф-муҳитнинг муҳофаза қилиниши[9].

Юқоридаги “яшил иш ўринлари” тўғрисидаги маълумотлар далолат бериб турибдики, Ўзбекистонда экологик йўналтирилган меҳнат бозорини ривожлантириш имконияти мавжуд, бироқ ҳозирги вақтда иқтисодий фаолиятнинг “яшил” турлари Ўзбекистонда яхши ривожланмаган. Фикримизча, бу ерда Ўзбекистон меҳнат бозорида “яшил иш билан бандлик” сиёсатини ривожлантириш, хусусан, “яшил иш билан бандлик”нинг ривожланишини тавсифловчи индикаторларни аниқлаш, иқтисодий фаолиятнинг “яшил иш ўринлари”ни ташкил этиш учун устувор турларини ажратиш йўналишларини шакллантириш борасидаги аниқ ҳаракатларнинг мавжуд эмаслиги ҳал қилувчи омил ҳисобланади[3].

Соҳага оид адабиётларни ўрганиш асосида биз 1.1-жадвалда “яшил иш ўрни” тушунчасининг мезонлари келтириб ўтамиз.

“Яшил иш ўринлари” деган тушунча нуқтаи назаридан биз “яшил” сўзини “хавфсиз” сўзи билан боғлаш мақбул деб тушунамиз. Лекин атроф муҳит учун яхши бўлган барча нарса “яшил иш ўринлари”да банд бўлган ходимларнинг меҳнат муҳофазаси учун ҳар доим ҳам ижобий таъсирга эга бўлавермайди. Шунинг учун, “яшил иш ўринлари”ни ходимлар учун мутлақо хавфсиз дейишга тўлиқ асосимиз йўқ. Шу нуқтаи назардан, тадқиқот жараёнида биз “яшил иш ўринлари”ни яратиш муносиб меҳнат тамойилларига мос келишини чуқур таҳлил қилиб чиқишга уриндик.

**1-жадвал**

**“Яшил иш ўрни” мезонлари**

<b>“Яшил” иш ўрни мезонлари</b>	<b>Мезоннинг тавсифи</b>
Иқтисодий	муносиб иш ҳақи, меҳнат унумдорлигининг юқори даражаси
Ижтимоий	ходимлар меҳнат ҳуқуқларига риоя қилиши, ижтимоий кафолатларнинг мавжудлиги
Техник ва технологик	замонавий юқори технологик жиҳозлардан фойдаланиш, хавфсиз меҳнат шароитининг мавжудлиги, асосий капиталга инвестицияларни киритиш
Экологик	атроф-муҳитга салбий таъсирнинг камайиши

*Манба: Муаллифлар томонидан тузилган*

“Яшил иш ўринлари” деган тушунча нуқтаи назаридан биз “яшил” сўзини “хавфсиз” сўзи билан боғлаш мақбул деб тушунамиз. Лекин атроф муҳит учун яхши бўлган барча нарса “яшил иш ўринлари”да банд бўлган ходимларнинг меҳнат муҳофазаси учун ҳар доим ҳам ижобий таъсирга эга бўлавермайди. Шунинг учун, “яшил иш ўринлари”ни ходимлар учун мутлақо хавфсиз дейишга тўлиқ асосимиз йўқ. Шу нуқтаи назардан, тадқиқот жараёнида биз “яшил иш ўринлари”ни яратиш муносиб меҳнат тамойилларига мос келишини чуқур таҳлил қилиб чиқишга уриндик.


“Яшил иш ўринлари”да бажариладиган ишларнинг айримларини муносиб меҳнат шароитларида амалга оширилади деб ҳисобламаймиз. Масалан, маиший чиқиндилар (қоғоз, пластиклар, тиббиёт чиқиндилари ва шиша ҳамда электрон қурилмалар)ни қайта ишлаш саноатида ходимлар соғлиги учун хавfli бўлган турли метал заррачалари ва органик бирикмалар жумладан, кўплаб захарли моддалар манбаи бўлиши мумкин. Фикримизча, чиқиндиларни қайта ишловчи корхоналарда ходимлар учун хавфсиз меҳнат шароитлари ва шахсий ҳимоя васиталарини таъминлаганлик учун солиқ имтиёзларини бериш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Таҳлилларга кўра, сўнгги йилларда республикада йилига 100 миллион тоннадан ортиқ саноат чиқиндиси (унинг 14 фоизи токсик чиқиндилар тоифасига мансуб), 35 миллион тоннага яқин маиший чиқинди ҳосил бўлади. Чиқиндихоналар ва чиқинди сақлаш омборхоналарида 2 миллиард тоннага яқин саноат, қурилиш ва маиший чиқинди сақланаётгани ҳамда улар 12 минг гектар майдонни эгаллаб турганини инобатга олсак, чиқиндиларнинг салбий таъсирини тасаввур этиш қийин эмас. Шунинг учун, Ўзбекистонда чиқиндиларни қайта ишлаш бўйича юқори технологияли корхоналарнинг ташкил этилиши атроф-муҳитнинг



ифлосланишини камайтириш ва аҳолини янги иш ўринлари билан таъминлаш имконини беради [3].

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, “яшил иш ўринлари” учун ҳаёт циклининг ҳар бир босқичида сертификатлаштириш тизимларини ва меҳнат муҳофазаси стандартларини жорий этиш тавсия этилади. “Яшил иқтисодиёт”да хавфсиз, зарарсиз иш шароитлари ва минимал ишлаб чиқариш хатарлари бўлиши керак. Масалан, наноматериаллар янги материаллар ва маҳсулотлар турига тааллуқли бўлгани учун уларнинг инсон саломатлиги ва яшаш муҳитининг ҳолати бўйича уларнинг потенциал хавфларини тавсифлаш шарт. Бу борада Россияда 2016 йил 1 июлдан бошлаб, ГОСТ Р 56748.1-2015/ ИСО / Ц 12901-1: 2012 “Нанотехнологиялар. Наноматериаллар. Хатарларни бошқариш” стандарти жорий этилди[10].

Агар яшил иш ўринлари ҳақиқатдан ҳам муносиб ва барқарор бўлса, биз уларни ходимлар соғлиги ва хавфсизлиги ҳамда атроф-муҳитга ижобий наф келтиришига ишонч ҳосил қилишимиз лозим бўлади. Шу нуқтаи назардан, биз “яшил иш ўрни”ни муносиб меҳнат талабларига мувофиқлиги тавсифини ифодалашга уриндик (1-расм).



**1-расм. “Яшил иш ўрни”ни муносиб меҳнат тамойилларига мувофиқлиги тавсифи**

*Манба: Муаллифлар томонидан тузилган*

1-расмдан шуни хулоса қилиш мумкинки, “яшил” ҳамда муносиб иш ўрни атроф-муҳитни сақлашга кўмаклашадиган, муносиб иш ҳақи, хавфсиз меҳнат шароити, ҳамда ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояланганлик мезонларини ўзида мужассам қилиши лозим бўлади.

Шунингдек, “яшил иқтисодиёт”нинг жадал кенгайиб бориши “яшил иш

ўринлари” ва “яшил касблар” бўйича етарли малакага эга бўлмаган ходимларни қўшимча равишда ўқитиш ва қайта тайёрлаш талабларини келтириб чиқаради (1.2-жадвал).

“Яшил иш ўринлари” билан боғлиқ бўлган меҳнат жараёнлари ёки янги технологиялар улар билан ишлаш учун янгича малакалар уйғунлигини талаб этадиган янги рискларни юзага келишига сабаб бўлади. Яъни, аъанавий меҳнат муҳофазаси борасидаги билимларни “яшил иш ўринлари”даги меҳнат муҳофазаси борасидаги муаммаларни ҳал этишга жорий этиш ҳар доим ҳам тўғри бўлавермайди. Масалан, қуёш энергияси асосида сув иситадиган қурилмаларни ўрнатиш томни таъмирловчи дурадгор, сантехник ва электрикларнинг малакалари уйғунлигида амалга оширилиш лозимлигини талаб этади.

1.2-жадвал

**“Яшил иш ўринлари” учун касблар ва кўникмаларнинг ўзгариши [11]**

<b>Малака ва кўникмадаги ўзгариш даражаси</b>	<b>Касбларнинг ўзгариши</b>	<b>Малака ва кўникмаларни ўзгартириш бўйича тадбирлар</b>
Паст	Мавжуд касбларнинг ўзгариши	Иш жойида ўқитиш ёки қисқа ўқитиш курсларини ташкил этиш
Ўрта	Янги касб турларининг юзага келиши	Узоқ муддатли ва доимий ўқитиш курсларини ташкил этиш
Юқори	Истиқболдаги янги касб турларинг юзага келиши	Университет ўқув дастурлари ишлаб чиқиш ва доимий ўқитиш курсларини ташкил этиш

“Яшил иш ўринлари” учун зарур бўлган ўзига хос кўникмаларни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга бўлади, чунки “яшил иқтисодиёт”га ўтиш жараёнида, ишчи кучи тўғри ва етарли малакага эга бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Яъни “яшил иш ўринлари”да меҳнат қиладиган ходимлар ўзлари учун зарур бўлган малакага эга бўлишлари лозим.

Иқтисодчи олим Берт Колийн (Bert Colijn) томонидан олиб борилган тадқиотларга кўра, техник кўникмалар, ресурсларни оқилона бошқариш қобилиятлари ва мураккаб муаммаларни ҳал қилиш кўникмалари “яшил иш ўринлари” учун зарур бўлган энг муҳим кўникмалар қаторига киритилган. Тадқиқотлар жараёнида ўрганилган аксарият барча корхоналар раҳбарлари “яшил иш ўринлари”ни яратишда ходимларни янги касб хавфларини аниқлаш ва уларни олдини олиш бўйича ўқитиш ва малакасини ошириш лозимлигини таъкидлашди.

“Яшил иқтисодиёт” талабларига мос кадрларни тайёрлашда қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- кадрлар малакасини ошириш, энергия ва ресурсларга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш маданиятини шакллантириш;
- касбий кўникмаларга “яшил иқтисодиёт”нинг ривожланиши билан қўйиладиган янги талабларни ҳисобга олган ҳолда тармоқлар ходимлари, шу жумладан раҳбар ва муҳандислар таркиби хабардорлиги ва малакасини ошириш;
- кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш давлат таълим дастурларини ишлаб чиқишда “яшил иқтисодиёт” асосларини ҳисобга олиш;

Бу йўналишда кичик бизнес корхоналарининг йирик корхоналардан ажратиб турадиган алоҳида жиҳати – бу уларнинг турли шароитларга осон мослашувчанлигига қарамасдан, уларда “яшил иш ўринлари”ни яратишга тўсқинлик қиладиган бир неча омиллар мавжуд:

- аксарият кичик бизнес субъектлари эгалари атроф-муҳит масаласига масъулият билан ёндошмайди ёки улар бу масалаларни бизнеснинг муҳим жиҳати деб ҳисобламайди;

- кўпчилик бизнес субъектлари эгаларининг атроф-муҳит ва муносиб иш билан бандлик тўғрисида етарли билимга эга эмасликлари ёки бу фаолиятга инвестиция киритишдан кўрқиб хиссининг мавжудлиги;

- аксарият кичик бизнес корхоналари раҳбарлари уларнинг бизнеслари атроф-муҳитга таъсири сезиларли бўлмаслигини ҳамда бу соҳага маблағ сарф этиш қимматга тушишини таъкидлашади.

Чунки, кичик бизнес корхоналарида “яшил кўникмалар”ни ривожлантириш бўйича ўқитиш иш жойида ва ўз-ўзини ўқитиш шаклларига таянилгани боис, бу кўникмаларни ўзлаштириш уларда жуда секин кечади [13].

**“Яшил иш ўринлари”ни ҳисоблаш ва уларнинг ҳисобини юритиш методологияси.**

“Яшил иш ўринлари”ни аниқлаш ва уларни кўламини ҳисоблаш жуда мушкул вазифа. Ҳозиргача “яшил иш ўринлари”ни ҳисоблаш ва уларни сонини аниқлаш бўйича мукамал методика ёки аниқ бир давлат стандартлари ишлаб чиқилмаган. Бунинг асосий сабаби эса, “яшил иш ўринлари” тушунчасининг жуда кенг қамровлиги ҳамда унинг аниқ бир мукамал ифодасининг мавжуд эмаслигидир. Ушбу соҳада илмий тадқиқот олиб бораётган бир қатор олимлар яшил иш ўринларини аниқлаш ва уларни баҳолашга уриниб қўришган.

Жаҳон амалиётида “яшил иш ўринлари”ни аниқлаш ва баҳолашнинг учта услуби ажратилади. Биринчиси жараёнга асосланган услуб, иккинчиси ишлаб чиқариш натижасига асосланган услуб ва ниҳоят учинчиси атроф-муҳитни сақлашга қаратилган услуб. Жараёнга асосланган услуб корхоналардаги энергия тежамкор ва хавфсиз иш ўринларини ташкил этилганлик ҳолатини баҳолайди. Ишлаб чиқариш натижасига асосланган услуб корхоналарнинг атроф муҳитга зарар келтирмайдиган маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқариш мақсади мавжудлигини асослайди. Атроф-муҳитни сақлашга қаратилган услуб эса, атроф-муҳит сифатини яхшилашга йўналтирилган тармоқ ва соҳаларни аниқлашни мақсад қилади[4].

“Яшил иқтисодиёт” ундаги мавжуд “яшил иш ўринлари” ёки “яшил соҳа”ларнинг мавжудлиги билангина чекланиб қолмасдан, балки унда фаолият юритаётган корхоналарнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилишга хайрихоҳлигини ҳам ифода этади. Бундай корхоналар ишлаб чиқариш жараёнида хавфсиз меҳнат шароитлари таъминлаш ҳамда зарарсиз технологияларни жорий этишга кўпроқ инвестиция киритишдан манфаатдор бўлади.

Биз томонимиздан таклиф этилаётган услуб жараёнга асосланган услуб ҳисобланиб, бу услубда “яшил иш ўринлари” сонини аниқлаш ва уларнинг ҳисобини юритиш бир неча босқичларни ўз ичига олади. Биринчи босқичда корхона саноат-ишлаб чиқариш ходимларига ҳисобланган ўртача йиллик иш ҳақи кўрсаткичининг ўсиш суръатини ҳисоблаб чиқилади (2-жадвал).



Ўртача йиллик иш ҳақи кўрсаткичининг ўсиш суръати

Кўрсаткич	Кўрсаткични ҳисоблаш бўйича услубий изоҳ	Кўрсаткичининг ўсиш суръатини ҳисоблаш
Корхонада саноат-ишлаб чиқариш битта ходимига (СИЧХ) ўртача йиллик ҳисобланган иш ҳақи, сўм / киши	$ИХ_{\text{ўй}} = ИХ_{\text{Ж}} / СИЧХ \quad (1.1)$ Бу ерда: $ИХ_{\text{ўй}}$ - ўртача йиллик ҳисобланган иш ҳақи, сўм; $ИХ_{\text{Ж}}$ - корхонада саноат-ишлаб чиқариш ходимининг йиллик иш ҳақи жамғармаси, сўм; $СИЧХ$ - корхонада саноат-ишлаб чиқариш ходимлари сони, киши	$\dot{С}_{\text{ИХ}} = ИХ_{\text{ўй}1} / ИХ_{\text{ўй}0} \quad (1.2)$ Бу ерда: $\dot{С}_{\text{ИХ}}$ - ўртача йиллик ҳисобланган иш ҳақининг ўсиш суръати; $ИХ_{\text{ўй}1}$ - ҳисобот йилида ўртача йиллик ҳисобланган иш ҳақи; $ИХ_{\text{ўй}0}$ - ўтган ҳисобот йилида ўртача йиллик ҳисобланган иш ҳақи

Манба: Муаллифлар томонидан тузилган

Иккинчи босқичда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги корхоналар фаолияти самарадорлигининг ялпи кўрсаткичлари ҳисобланади (3-жадвал).

3-босқич. Ҳисобланган ўртача йиллик иш ҳақи кўрсаткичининг ўсиш суръати билан ташкилот фаолияти самарадорлиги ялпи кўрсаткичининг ўсиш суръатини солиштириш.

4-босқич. Ташкилотдаги “яшил иш ўринлари”нинг сонини аниқлаш.

Тўртинчи босқични амалга оширишда 3-босқичнинг бажарилиши натижасида қўлга киритилган маълумотлардан фойдаланиш зарур:

- агар ҳисобланган ўртача йиллик иш ҳақи кўрсаткичининг ўсиш суръати билан корхона фаолияти самарадорлиги ялпи кўрсаткичининг ўсиш суръати ўртасидаги нисбат 1 дан катта қийматга эга бўлса, у ҳолда айтиш мумкинки, корхонада саноат-ишлаб чиқариш ходимлари эгаллаб турган иш ўринлари “яшил иш ўринлари” ҳисобланмайди, чунки иш ҳақи корхона асосий фондлари, инсон капитали ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳолатини тавсифловчи кўрсаткичларга қараганда тезроқ ўсади;

- агар ҳисобланган ўртача йиллик иш ҳақи кўрсаткичининг ўсиш суръати билан корхона фаолияти самарадорлиги ялпи кўрсаткичининг ўсиш суръати ўртасидаги нисбат 1 дан кичик ёки 1 га тенг бўлса, у ҳолда корхонада саноат-ишлаб чиқариш ходимлари эгаллаб турган иш ўринларини “яшил” иш ўринлари жумласига киритиш мумкин, чунки корхона асосий фондлари, инсон капитали ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳолатини тавсифловчи кўрсаткичларнинг ўсиш суръати иш ҳақининг ўсиш суръатидан юқори.

5-босқич. “Яшил иш ўринлари”нинг сони ҳақидаги давлат статистик кузатув шакллари тўлдириш.

Фикримизча, “яшил иш ўринлари” сонининг ҳисобини юритиш учун давлат статистик кузатувнинг унда корхоналар юқорида кўрсатилган мезонлар бўйича муайян сана ҳолатига кўра қуйидаги маълумотларни кўрсатадиган янги шаклини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

– ҳисобот йилидаги “яшил иш ўринлари”нинг сони;

**Корхоналар фаолияти самарадорлигининг ялпи кўрсаткичлари ва уларнинг ўсиш суръати**

Кўрсаткич	Кўрсаткични ҳисоблаш бўйича услубий изоҳ	Кўрсаткичининг ўсиш суръатини ҳисоблаш
Битта саноат-ишлаб чиқариш ходимига тўғри келадиган ишлаб чиқарилган маҳсулот, сўм	$M_{\text{СИЧХ}} = M\text{X} / \text{СИЧХ} (1.3)$ Бу ерда: $M_{\text{СИЧХ}}$ - битта саноат-ишлаб чиқариш ходимига тўғри келадиган ишлаб чиқарилган маҳсулот, сўм; $M\text{X}$ - йил давомида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, сўм; $\text{СИЧХ}$ - саноат-ишлаб чиқариш ходимлари сони, киши	$\dot{Y}_{\text{СИЧХ}} = M\text{X}_{\text{СИЧХ1}} / M\text{X}_{\text{СИЧХ0}} (1.9)$ Бу ерда: $\dot{Y}_{\text{СИЧХ}}$ - битта саноат-ишлаб чиқариш ходимига тўғри келадиган ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ўсиш суръати; $M\text{X}_{\text{СИЧХ1}}$ - ҳисобот йилида битта саноат-ишлаб чиқариш ходимига тўғри келадиган ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми; $M\text{X}_{\text{СИЧХ0}}$ - ўтган ҳисобот йилида битта саноат-ишлаб чиқариш ходимига тўғри келадиган ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми
Асосий фондларнинг янгиланиш коэффициенти	$K_{\text{АФЯ}} = \text{АВҚ}_\text{к} / \text{АВҚ}_\text{я} (1.4)$ Бу ерда: $K_{\text{АФЯ}}$ - асосий фондларнинг янгиланиш коэффициенти; $\text{АВҚ}_\text{к}$ - корхонага бир йил ичида келиб тушган асосий воситалар қиймати, минг сўм; $\text{АВҚ}_\text{я}$ - даврнинг якуни ҳолатига кўра корхонада мавжуд бўлган асосий воситалар қиймати, минг сўм	$\dot{Y}_{\text{АФЯК}} = K_{\text{АФЯ1}} / K_{\text{АФЯ0}} (1.10)$ Бу ерда: $\dot{Y}_{\text{АФЯК}}$ - асосий фондларнинг янгиланиш коэффициентининг ўсиш суръати; $K_{\text{АФЯ1}}$ - ҳисобот йилида асосий фондларнинг янгиланиш коэффициенти; $K_{\text{АФЯ0}}$ - ўтган ҳисобот йилида асосий фондларнинг янгиланиш коэффициенти
Фонд билан таъминланганлик, сўм/киши	$\text{ФТ} = \text{АВҚ}_{\text{ўй}} / \text{СИЧХ} (1.5)$ Бу ерда: $\text{ФТ}$ - фонд билан таъминланганлик; $\text{АВҚ}_{\text{ўй}}$ - асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	$\dot{Y}_{\text{ФТ}} = \text{ФТ}_1 / \text{ФТ}_0 (1.11)$ Бу ерда: $\dot{Y}_{\text{ФТ}}$ - фонд билан таъминланганликнинг ўсиш суръати; $\text{ФТ}_1$ - ҳисобот йилида фонд билан таъминланганлик; $\text{ФТ}_0$ - ўтган ҳисобот йилида фонд билан таъминланганлик
Материал қайтими	$M\text{Қ} = M\text{X} / M\text{X}_\text{м} (1.6)$ Бу ерда: $M\text{Қ}$ - материал қайтими; $M\text{X}$ - ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми, минг сўм; $M\text{X}_\text{м}$ - маҳсулот ишлаб чиқаришга моддий харажатлар, минг сўм	$\dot{Y}_{\text{МҚ}} = M\text{Қ}_1 / M\text{Қ}_0 (1.12)$ Бу ерда: $\dot{Y}_{\text{МҚ}}$ - материал қайтимининг ўсиш суръати; $M\text{Қ}_1$ - ҳисобот йилидаги материал қайтими; $M\text{Қ}_0$ - ўтган ҳисобот йилидаги материал қайтими
Корхонанинг юқори малакали ходимлар билан таъминланиш коэффициенти	$K_{\text{ХТ}} = \text{СИЧХ}_{\text{ЮМ}} / \text{СИЧХ} (1.7)$ Бу ерда: $K_{\text{ХТ}}$ - корхонанинг юқори малакали ходимлар билан таъминланиш коэффициенти; $\text{СИЧХ}_{\text{ЮМ}}$ - юқори малакали саноат-ишлаб чиқариш ходимлар сони, киши; $\text{СИЧХ}$ - жами саноат-ишлаб чиқариш ходимлар сони, киши	$\dot{Y}_{\text{ХТ}} = K_{\text{ХТ1}} / K_{\text{ХТ0}} (1.13)$ Бу ерда: $\dot{Y}_{\text{ХТ}}$ - юқори малакали ходимлар билан таъминланиш коэффициентининг ўсиш суръати; $K_{\text{ХТ1}}$ - ҳисобот йилида юқори малакали ходимлар билан таъминланиш коэффициенти; $K_{\text{ХТ0}}$ - ўтган ҳисобот йилида юқори малакали ходимлар билан таъминланиш коэффициенти
Асосий капиталга инвестициялар, минг сўм	Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг йиллик ҳажми, минг сўм	$\dot{Y}_{\text{СИ}} = I_{\text{АК1}} / I_{\text{АК0}} (1.14)$ Бу ерда: $\dot{Y}_{\text{СИ}}$ - асосий капиталга инвестицияларнинг ўсиш суръати; $I_{\text{АК1}}$ - ҳисобот йилида асосий капиталга инвестициялар; $I_{\text{АК0}}$ - ўтган ҳисобот йилида асосий капиталга инвестициялар
Нормал меҳнат шароитидаги банд ходимларнинг жами ходимлар таркибидаги улуши	$\text{БХУ}_{\text{НШ}} = \text{СИЧХ}_{\text{НШ}} / \text{СИЧХ} (1.8)$ Бу ерда: $\text{БХУ}_{\text{НШ}}$ - нормал меҳнат шароитида банд ходимлар улуши; $\text{СИЧХ}_{\text{НШ}}$ - нормал меҳнат шароитида банд саноат-ишлаб чиқариш ходимлар сони	$\dot{Y}_{\text{БХУ}} = \text{БХУ}_{\text{НШ1}} / \text{БХУ}_{\text{НШ0}} (1.15)$ Бу ерда: $\dot{Y}_{\text{БХУ}}$ - нормал меҳнат шароитида банд ходимлар улушининг ўсиш суръати; $\text{БХУ}_{\text{НШ1}}$ - ҳисобот йилида нормал меҳнат шароитида банд ходимлар улуши; $\text{БХУ}_{\text{НШ0}}$ - ўтган ҳисобот йилида нормал меҳнат шароитида банд ходимлар улуши

Манба: Муаллифлар томонидан тузилган

– ўтган йил билан солиштирилганда “яшил” иш ўринлари сонининг кўпайганлиги;

– ҳисобот йилида “яшил иш ўринлари”ни ташкил этиш ва модернизация қилишга киритилган инвестициялар;

– ҳисобот йилида 1 та “яшил иш ўрни”ни ташкил этишнинг ўртача қиймати;

– корхонада ўтган йил билан солиштирилганда меҳнат унумдорлигининг ошганлиги;

– корхонада ўтган йил билан солиштирилганда ўртача иш ҳақининг ошганлиги.

Шундай қилиб, охириги 5-босқичда олинган маълумотларни давлат статистик кузатув шаклига киритиш мумкин бўлади.

### **Хулоса ва тавсиялар**

Юқорида келтирилган методлогияга қўшимча сифатида “яшил” иш билан бандликнинг ривожланишини баҳолаш индикаторлари сифатида қуйидагилардан фойдаланиш таклиф этилади:

- ташкил этилган ва модернизация қилинган “яшил” иш ўринларининг сони;

- иқтисодиётнинг “яшил” тармоқларида банд бўлганлар сони;

- иқтисодиётнинг “яшил” тармоқларида иш билан банд бўлган юқори малакали ходимлар сони;

- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга йўналтирилган асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми;

- ишсизлик даражаси;

- меҳнат унумдорлиги динамикаси.

Таклиф этилган индикаторлар Ўзбекистонда “яшил сиёсат”ни амалга ошириш самарадорлигини баҳолаш имконини беради. “Яшил” иш ўринларини баҳолаш ва уларнинг ҳисобини юритиш бўйича тавсиялар улардан фойдаланиш имкониятини кенгайтиради.

Фикримизча, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида “яшил иш билан бандлик” сиёсатининг асосий мақсадларидан бири хавфсиз меҳнат шароитларини яратишдан иборат. Асбоб-ускуналар ва технологик жараёнларни янгилаш ҳамда модернизация қилиш йўли билан хавфсиз меҳнат шароитларининг яратилиши меҳнат унумдорлиги даражасининг ошишига, самарали иқтисодиётга, қулай экологик муҳитга йўлни таъминлайди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Silas Titus. Key Reasons Why Small Businesses Fail. Accredited Associate of The Institute for Independent Business. 2015. 9 p.

2. О.Қ. Абдурахманов. Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофаза қилиш тизимини бошқариш самарадорлигини ошириш. Монография. “Фан” нашриёти, 2010 йил. 233-бет.

3. Х.Х. Абдураманов. “Ўзбекистонда яшил иш билан бандлик сиёсатини амалга ошириш имкониятлари”. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, ноябрь-декабрь, 2017 йил.

4. Green jobs in Mauritius: Experiences from a Small Island Developing State. Synthesis Report. Copyright © International Labour Organization 2013.

5. Jarvis, Andrew; Varma, Adarsh; Ram, Justin Assessing green jobs potential in developing countries: A practitioner’s guide Geneva, International Labour Office, 2011
6. Annegrete Bruvoll and Karin Ibenholt (ed.), Sanna Ahvenharju, Marika Bröckl, Louise Martinsen and Marianne Zandersen. Measuring green jobs? An evaluation of definitions and statistics for green activities. © Nordic Council of Ministers 2012.
7. California’s Green Economy Summary of Survey Results. Employment Development Department. October 2010
8. Michigan Green Jobs Report 2009. Occupations & Employment in the New Green Economy.
9. Green Jobs: Towards decent work in a sustainable, low-carbon world. UNEP, ILO, OIE, ITUC, 2008. P. 3.
10. Тимофеева С.С. «Зеленая экономика», «Зеленые рабочие места» в России и новые про- изводственные риски // XXI век. Техносферная безопасность. 2016. Т. 1, № 2. С. 10–20.
11. ILO and CEDEFOP (2011, p. 96)
12. <https://stat.uz/uz/432-analiticheskie-materialy-uz/2031-o-zbekiston-respublikasida-kichik-biznes-va-xususiy-tadbirkorlikning-rivojlanishi>
13. OECD/Cedefop (2014), Greener Skills and Jobs, OECD Green Growth Studies, OECD Publishing. <http://dx.doi.org/10.1787/9789264208704-en>